



Анвар Пошо 1881 йилнинг июн ойида Истанбулда таваллуд топди. Харбий билим юртида, кейинрок Истанбул Бош Штаб академиясида тахсил олган. 1909 — 1911 йилларда Берлинда Харбий атташе лавозимида хизмат килган. Туркия, Македония, Кавказ, Германия, Россия хамда хаётининг сўнгида Туркистондаги сиёсий жараёнларда катнашган.

Ёш турклар инкилобий уюшмаси ташкилотчиларидан бири, "Иттоход ва Тараккий" партияси асосчиси ва рахбарларидан бири сифатида машхур. 1908 йилда Туркияда давлат тўнтарилишига рахбарлик килиб, Султон Абдулхамид II хокимиятини агдарган хамда мамлакатда конституцион монархия тузумини ўрнатган. Ёш турклар хокимиятни кўлга олгач, Анвар Пошонинг нуфузи, обрўси, таъсир доираси ўсиб боради. Чет эл империализми томонидан пухта режалаштирилган, Туркияни тиз чўктириш ва бўлиб юборишга каратилган харакатини барбод этган буюк шахслардан бири сифатида тарихга кирди. 1913 йилдаги давлат тўнтаришидан сўнг Анвар Пошо Харбий министр лавозимини эгаллайди.

Биринчи жахон урушида Германия билан иттифок тузиб, урушда Турк куролли кучларига кўмондонлик килади. Урушда Германия ва Туркия енгилгач, Ёш турклар хокимиятига чек кўйилади. Анвар Пошо Жамол Пошо, Талъат Пошо ва бошка сафдошлари билан Германияга кетади.

Анвар Пошо сиймосида монархияга карши оташин курашчини кўрган Россия хукумати ундан Туркистонда инкилобий харакатларни кучайтириш хамда аксилшўровий кучларни бостириш йўлида фойдаланмокчи бўлиб, унга сиёсий бошпана беради.

Болшевоилар ундан кандай разил максадлар йўлида фойдаланмокчи бўлганлигини Анвар Пошо тез фурсатдаёк тушуниб этади. Зеро у русларнинг Туркистондаги килгуликларини, халкни, дини исломни оёкости килаётганларини ўз кўзи билан кўради. Хамда ота юртни, ўз кардошларини мухофаза килишдек огир, шу билан бирга, шарафли ишга ўз хаётини бахшида этади.

1920 йил сентябрда Боку шахрида бўлиб ўтган Шарк халклари курултойида иштирок этади ва ўз Баёнотини эълон килади. 1921 йил февралда эса Москвада "Мусулмонларнинг инкилобий жамияти Иттифоки" курултойини ўтказлади.

Туркистондаги ахволнинг ўта огирлигини сезган Анвар Пошо ўзининг Хожи Сомийбек, Набибек, Хамибек ва бошка сафдошлари билан Бухорога ке-либ, Туркистондаги миллий-озодлик харакати билан якиндан танишади.

Анвар Пошо бутун Туркистон халкига Мурожа-атнома эълон килиб, уни куйидаги сўзлар билан бошлайди:

"Орқадошлар! Туркистоннинг мукаддас даъвоси йўлида олиб борилаётган курашга мен ҳам кўшилгани келдим..."

Ха, у буюк курашчи эди. У шўролар билан тўқнашувларда буюклик исбот этган зотдир. Бир канча жангларда стратегик салохияти билан галаба козонди. Жумладан, 1922 йил 22 январда Душанбада саккиз минг нафарлик шўро армиясига карши бир минг беш юз йигити билан жанг килиб, галаба козонганининг ўзиёқ унинг нақадар буюк салохиятга эга эканлигидан нишонандир.

1922 йил 28 март куни Амир Олимхондан барча кўшинларга Бош кўмондон этиб тайинлангани хақида иноятнома олади. 15-апрелда эса кўрбошилар Анвар Пошони кўрбошиларга сиёсий раҳбар ва кўмон этиб сайлайдилар. Афғонистон ҳукмдори Омонуллохон ҳам уч юз кишилик сарбозлар ҳамроҳлигида яроғ совға этиб юборади. Шундан сўнг Анвар Пошо Бош кўмондон сифатида Россия болшевойлар ҳукуматиға Шўро кўшинларини Туркистондан олиб чикиб кетиш тўғрисида ультиматум юборади.

Болшевойлар Анвар Пошони бу талабига карама-карши ҳар хил ташвикот тарғибот ишларини олиб боришни асосий вазифа килиб кўяди. РКБ (б) Марказий комитети Бухоро ва Фарғона бўйича И.В.Сталин, Чичерин, Куйбишев ва Файзулла Хўжаевлар томонидан ишлаб чиққан қарорни қабул қилади. Бу қарорға кўра Бухоро ва Фарғонада истиклолчиларға карши курашаётган фронтлар бирлаштирилиб, мусулмон аҳолиси орасида сиёсий иш олиб бориш, маҳаллий аҳолиға ён бериш, тавба қилган "Босмачилик ҳаракати" йигитларини озод этиш, кўрбошилар орасида нифок чиқариш, турли игволар тарқатиб истиклолчилар са-фини бўлиб ташлаш қаби масалаларни асосий вазифа килиб олдилар. Бунга эришдилар ҳам.

Иброҳимбек билан Анвар Пошо ўртасидаги таранглашган мураккаб вазият бунинг исботидир. Ки-зил армия катта қуч билан қилган ҳужуми пайтида Иброҳимбек қарийб 10 минглик сараланган кўшинини Бойсундан олиб чикиб кетиши ҳамда Анвар Пошоға бўйсунмаслигини билдириб, исён кўтариши изох талаб этмайдиган ҳақиқатдир.

Анвар Пошо истиклолчилар курашиға раҳбарлик қилар экан-у дипломатия воситаларидан тўлиқ фойдаланар, болшевой раҳбарлар билан музоқара олиб бориш, қизил аскарларни Туркистондан олиб чикиб кетишға бутун вужуди билан ҳаракат қиларди. Бу Файзулла Хўжаевнинг танланган асарида айнан куйидагича келтиради: Иброҳимбек ва бошқа кўрбошилар номидан Анвар Пошо қизил аскар раҳбарлари номиға жўнатилган мактубида шундай дейилган; "Ҳақиқий мустақил Бухоро тупроғидаги аҳоли вақиллари бўлган бизлар сизларға маълум қиламизки, сизлар мамлакатимиздан чикиб кетмагунингизча жангни давом эттираверамиз" - деб бир қарорға келдик. Ҳозирги вақтда беҳуда қон тўқилмасин деб ва одамгарчилик килиб сизларға мамлакатимиздан чикиб кетишни таклиф қилаётирмиз. Шундай қилсангиз, сизнинг дўстларингиз бўлиб қоламиз ва ўзимиз ёрдам бериб сизларни очликдан сақлаб қоламиз, ақс холда сизлар Ватанингизда очарчиликдан ўлаётган оилаларингиз қаби махв этиласиз. Ҳозир биз гуноҳкор бўлмайдик деб одам қони тўқишни истамаётирмиз. Лекин, халқимизнинг истагига ҳилоф равишда Ватанимизға бостириб қирган сизлар билан жанг қилишни мукаддас бурчимиз деб биламиз. Бизлар хурсандлик билан бу йўлда қонимизни тўқиб,

шахид бўлишдан кайтмаймиз". Бундан кўриниб турибдики бундай талаб ва унинг сиёсат, харбий соҳасидаги галабалари болыпевиклар ҳукуматини саросимага солиб кўйди. Шўро ҳукумати 19 апрелда сулх тузишни таклиф этади. Россияни Ташки ишлар Халк Комиссарлигини 10 кишидан иборат делегацияси Бойсунга келадилар. Агар Анвар Пошо сулхга рози бўлса, "Дарвоз, Коратегин, Кўлоб, Душанбе ва Хисор каби вилоят-ларни бирлаштириб, мустакил бир давлат тузиб олиши мумкинлиги таъкидланган эди. Улар бунинг эвазига Туркистон ишларига аралашмаслик масаласини кўйдилар. Анвар Пошо эса русларга "Сулх битими факат Туркистон тупрокларидан бутун рус аскарларини олиб чикиб кетилгандан кейингина гап мавзу бўлиши мумкин", деб кескин жавоб берди.

1922 йил 18 майда РКП (б) МК "Туркистон-Бухоро ишлари хакида" махсус қарор қабул қилди. Мазкур қарорда истиклолчиларга қарши харбий ҳаракатларни қучайтириш, шунингдек, "Анвар Пошонинг Шарк халклари душмани, инглизлар жосуси сифатида халк бнгида қош этиш лозим"лиги қайд этилган эди.

Қураш кизиган 1922 йилда Лениннинг топшириги, ҳукуматнинг махсус қарори билан Россия Қуролли қучлари Бош қўмондони С.С.Каменев, кизил армиянинг отлик қучлари қўмондони С.М.Будёний, А.Н.Тодоровский, В.В.Куйбишевлар қатта микдорда қўшин, қўшимча қурол-яроғ билан Туркистонга сафарбар этилади. Анвар Пошо билан шугулланиш учун Шўро разведкаси Шарк бўлими бошлиги арман миллатига мансуб Агабеков махсус гуруҳ билан юборилади. Бу пайтларда Туркистоннинг барча ҳудудларида, айникса, Фарғона ва Шаркий Бухорода жанглар қизиб кетди. 1922 йил 24 июнга ўтар кечаси Анвар Пошонинг уч минг йигити қўмондон Кақуриннинг саккиз ярим минг нафарлик тиш-тирноғича қуролланган қўшинини ер тишлатди. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, бутун бошли бир дивизияни йўқ қилиб ташлади. Қуллас, Анвар Пошо ундан кейин ҳам қўп марта кизил аскарларга қарши муваффақиятли жанглар олиб борди. Бирор марта панд емади. Рус қўмондонлиги унинг стратегияси, тактикаси олдида гандирақлаб қолди. Рус разведкаси эса саросимада.

Бирок қазиллик ўз ишини адо этишга шошар эди. 1922 йил 4 август жума, Қурбон ҳайити қуни эди. Қурбон ҳайити номози ўқилгандан сўнг, Анвар Пошо ўзининг содик сақдошларига қискача қуйидаги ваъзни қилди "Мен сизларга ҳозир ҳайитлик тарқата олмаман. Агар бизларнинг қардошлигимиз хакида бир неча оғиз сўзлар битилса, мен унга ўз муҳримни қўйиб, бажонидил имзо чекардим. Мен ўйлайманки, бу сўзлар бизнинг озодлик учун олиб бораётган миллий қурашимиздаги харбий қардошлик хакида бир ажойиб хотира бўлиб қоларди". Бу унинг истиклол қурашчиларига қарата қилган охириги сиёсий васияти бўлиб қолди. Анвар Пошо ўз орқадолари билан Балқувон тепалигида суҳбатлашиб ўтирар эдилар. Қутилмаганда қизилларнинг 3 та отлик полки, 3 та эскадрони ҳужумга ўтиб қоладилар. Ўртада қиличбозлик жанги қизиб кетади. Орқага чекиниш имконияти бўлсада, Анвар Пошо чекинишни ўзига ор билади. Бир ўзи ўн бир душманни қопиб ташлайди. Қизил аскарларни архивларида сақланган бир маълумотда Анвар Пошо ўзининг, 100 та сараланган жангчиси билан 18 чи отликлар полкининг, 1 эскадрони устига ташланиб, янчиб ташлайди.

Қутилмаганда орқадан урилган қилич қарби моҳир қўмондонни қулатади. Қилич урган қимса Анвар Пошо қўлида Муҳаммад Қозий номи билан хизмат қилиб юрган қизил жосус

Георгий Каспарян эди.

Анвар Пошонинг шаходат суви билан йўгрилган жасади Душанбадан 200 километр узокликда жойлашган Балжувон кентининг Четан деган жойига дафн этилди. Анвар Пошо Туркистон мустакиллиги учун курашда шахид кетди. Анвар Пошо ўлиmidан бир неча кун олдин кизил аскарларнинг бошлиги О.Акчуринга ёзган мактубида Туркистон унга бегона эмаслигини, унинг аждодлари Туркистондан бориб, Туркияда салтанат курганликларини, аксинча, бошқалар учун бу юрт бегона эканлигини куйидагича таъкидлаган эди:

"Бу инсонларнинг томирида оқаётган кон худди меники каби соф туркий кондур. Бу ер русларники эмас, балки туркий халкларнинг асл юртидир".

1996 йил 3 августда Туркия ҳукуматининг каро-ри билан Анвар Пошо хоки солинган тобут Истанбулга олиб кетилди.

Ха, Анвар Пошо ўзининг ота юрти учун курашган, Туркистонни оёкости килдирмаслик, унинг мустакиллиги ва озодлигини кўриш йўлида ўз жонини тиккан буюк зот эди.

Анвар Пошо нафакат турк миллатининг, балки, айна пайтда Туркистон, Ўрта Осиё ўлкаларининг ҳам мард фарзанди десак муболага бўлмайди.

Шаҳобиддин Яссавий унга ўзининг "Туркистоннинг аччиқ хакикатлари" китобида "Анвар Пошо Гозий - Буюк кўмондон" деб баҳо беради.

Абдулхамид Чўлпон Анвар Пошонинг шахид кетганлигини эшитиб, куйидаги шеърни битган эди:

Энг сўнги умидни конга бўяган,
Ох, қандай хайрсиз замонлар келган.
Фарёдим дунёни бўғиб ўлдирсин,
Коп-кора бахтимга шайтонлар кулсин.

Унинг сиёсий фаолияти ўта бир буюк илохий мақсадлар йўлига қаратилганлигини севиқли хотини - Султоннинг гўзал кизи Нажибахонимга ёзган охирги мактубидан билса ҳам бўлади. Биз уни мухтарам китобхонларимизга ҳам илиндик:

"Сен мактубингда қилич ва жангни севганим қадар ҳеч нарса севмаслигимни ёзибсан. Аммо бирор-бир нарса тўғрисида "фақат ишни севаман" деб ҳам айта олмайман (айтсам ёлгон бўлади). Сен билурсанким, маним ҳақимда тухмат ташвиқотлар юрган бадбахт қимсаларнинг иддао этганларидек, мен бу олис диёрларга мол-дунё ахтариб бой бўлмок, ёки ўз хокимиятимни қурмок учун келганим йўқ.

Мени сендан узоклаштириб, бу жойларга кел-тирган Жаноби Ҳақнинг зиммага юкланган муқад-дас бир вазифасидир. Бу жиҳод вазифаси эрур.

"Жиҳод" - исломда гайридинларга қарши "муқаддас уруш". Қуръони қаримда жангга қобилиятли ҳар бир мусулмон муқаддас урушда иштирок этиши шарт деб кўрсатилган. У шундай улуг ишдурки, уни ҳатто сидқ ила ният қилганлар илохий жаннатга қирмок ҳуқуқини олурлар. Ҳар қадар Сендан айру қилмок, Сенинг севгингла масрур қалбимни вайрон этмақда эса ҳамки, ушбу йўлда буюк бир имтиҳон бермақдан кўп бахтиёрман...."

Ха, Анвар Пошо Жаноби Хак йўлида Буюк имтихондан шак-шубхасиз аъло даражада ўтди.

Мансурхўжа Хўжаев. "Шермухаммад кўрбоши" китобидан